



АБДУЛАҲАДХОН ДАВРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

Гулҳаё Маҳмудова

НавДПИ мустақил тадқиқотчиси

Gulhayo Mahmudova

independent researcher of NSPI

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25- Sentabr 2024 yil

Ma'qullandi: 28- Sentabr 2024 yil

Nashr qilindi: 30- Sentabr 2024 yil

KEY WORDS

Бухоро амирлиги, Кармана
беклиги, ислохот, масжид,
шифоҳона, сарой, хайр-эҳсон

ABSTRACT

Ушбу мақолада манғитлар сулоласининг сўнгги амирларидан бўлган Амир Саид Абдулаҳадхон ва унинг ҳукмронлиги давридаги амалга оширилган бунёдкорлик фаолияти очиб берилган

Бухоро амирлигида манғитлар сулоласи 1756-1920 йилларда ҳукмронлик қилган. Афсуски, сулоланинг сўнгги йирик вакилларида бири бўлган Амир Саид Абдулаҳадхоннинг ҳаёти ва сиёсий фаолияти бугунги кунгача етарли тадқиқ қилинмаган. Ушбу мақолада амир Абдулаҳадхон (1885-1910) даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ўша давр тарихчиларининг асарлари, маҳаллий тадқиқотчилар, хорижий нашрлардаги маълумотлар, матбуот материаллари орқали баён этилади. Саид Абдулаҳад Баҳодирхон 1857 йил 16 мартда Бухоро амирлигининг Кармана шаҳрида туғилган (ҳукмронлик йиллари 1885-1910). 1910 йил 22 декабрда вафот этган. У Бухоро амири Амир Музаффарнинг 14 ўғлининг тўртинчиси бўлган. Онаси Шамшодойим асли келиб чиқиши эронийлардан бўлиб, Амир Музаффарнинг суюкли хотини ҳисобланган. Шамшодойим, ақл-фаросатли аёл бўлиб, Абдулаҳадхон ёшлигидан онасининг тарбиясини олган.

Абдулаҳадхон туғилган пайтларда отаси Музаффархон Кармана беги эди. Абдулаҳадхоннинг ёшлиги Карманада ўтди. Илк таълимни шу ерда олди. Абдулаҳадхоннинг тарбиячиси Ҳамид Маъқул унга алифбо ва шеърятни ўргатган. Бўлажак ҳукмдор форс ва араб тилларини ўрганди. Рус ва француз тилларини ҳам ўқиди. Қуръонни ёд олди. Амир Музаффархон 18 ёшида ўғлини Кармана беги этиб тайинлайди.

1885 йил август ойида Амир Музаффар ўз ерларини айланиб юрганда, Қарши шаҳрида “юқумли безгак” касалига чалинади. Шундан кейин сафарини якунлаб Бухорога қайтади. Шаҳардан ташқарида жойлашган қароргоҳи – Шербудунда қолиб, ўша ерда 2 ой мобайнида даволанади. 28 сентябрь куни касали яна қайта хуруж қилади. Музаффархон 1885 йилнинг 31 октябрида Аркда вафот этади. 1885 йил 4 ноябрда Бухоро аркида Абдулаҳадхон оқ кигизга ўтирғизиб, тахтга ўтқазиб маросими бўлиб ўтади. Амир Абдулаҳадхон ҳокимиятни эгаллагач, мамлакатда маҳаллий ҳокимларнинг

халққа ўтказаетган зулми, амалдорларнинг судхўрлиги беқиёс даражада ортиб кетган эди. Ҳатто, айрим бек ва ҳокимлар марказий ҳокимиятга бўйсунидан бош тортиб, мустақил бўлиш учун ҳаракатланаётган эди.

Мамлакат ижтимоий ҳаётида ҳам бир қанча қусурлар мавжуд бўлиб, амалдорлар ўртасида порахўрлик, таъмагирлик авж олган, жамиятда гиёҳвандлик, баччабозлик, қиморбозлик кенг тарқалган эди. Амир ўз ҳукмронлигининг бошида суд-ҳуқуқ тизимини қайтадан ислоҳ қилишга ва бу соҳага янада инсонпарварлик тамойили билан ёндашишга уринди. Абдулаҳадхон даврида ўлим ҳукми, қийноқлар ва энг даҳшатли жазо – Бухородаги Минорайи Калондан ташлаб юбориш ман этилди. Порахўрлик ва таъмагирлик қилган амалдорларни лавозимидан четлаштирди. Наша чекиш, кўкнор ичиш, баччабозлик қатъиян чекланди. 1886 йилда Амир Абдулаҳадхон амирликдаги зиндонларнинг бир қисмини ёпишга буйруқ берди.

Бухородаги чоҳи-канахона кўмилди. Абдулаҳадхон Санкт-Петербург ва Москва шаҳарларига бир неча бор расмий ташриф билан борган. Бу ҳақида ўзининг 1892 йил декабрдан 1893 йил февраль ойлари давомидаги сафари хотираларида батафсил маълумот беради. Петербург сафари давомида Абдулаҳадхон Ашхобод, Боку, Тифлис каби шаҳарларда ҳам бўлган. Тифлисида амир ва унинг ҳамроҳлари 800 талаба таҳсил олаётган гимназия фаолияти билан танишишади. Кейинчалик 1897 йилда шунга ўхшаш Бухоро шаҳрида ҳам ногирон ва муомалага лаёқатсизлар учун замонавий тартибдаги ногиронлар уйи ташкил этилади. Ногиронлар уйининг аъзоларига бепул икки маҳал иссиқ овқат тарқатилган.

Петербургда эса шаҳар ҳокими таклифи билан император томонидан аҳолининг хавфсизлиги йўлида ташкил қилинган, давлатдан маош олиб ишловчи ўт ўчириш командасининг фаолияти билан танишади. Кар ва соқовлар учун ташкил этилган мактабни бориб кўради. Мактабда тақдирга гапириш ва эшитишдан бебаҳра қолиш битилган болалар бутун мамлакатдан олиб келиниб, ҳар бири, истеъдодига кўра, бирор фан ёки ҳунар ўргатилган. Болаларнинг бир қисми заргарлик илмидан, бир қисми темирчилик, бошқалари тикувчилик, дурадгорлик йўналишида таълим олганлар. Мазкур таълим тизими кун кечириш учун пул топишда иложсиз қолиб, ҳаёти ночорликда ўтмасин, ҳар ким ўз касб ва ҳунари билан емиш ва кийимбош топиб, кун кечириш имконини бериши учун ташкил этилган.

Худди шу даврда амир буйруғи билан Бухорода шифохона ва дорихона ташкил қилиниб, табиб ва табибалар томонидан хастаҳолларга ёрдам қилинган.

1910 йилда амир ўз маблағлари ҳисобидан Ялта шаҳар аҳолиси учун 100 та беморни қабул қилишга мўлжалланган шифохона барпо эттиради. Шифохонада касалларга бепул хизмат кўрсатилган, бу шаҳар аҳолиси учун жуда катта марҳамат бўлган. Шифохонанинг тантанали очилишида император Николай II ҳам қатнашган.

Амир Абдулаҳадхон Кармана, Бухоро ва хорижда кўплаб иморатларқурдирган. Жумладан, Макка ва Мадинада хонақоҳ, работ, такягоҳ, масжид, уй-жой, ҳовли, меҳмонхоналар қурилишига ҳомийлик қилган. XX аср бошларида Макка, Мадина, Истанбул шаҳарларида вақф қилинган мулкларнинг умумий баҳоси 735000 олтин тангага тенг бўлган. Арабистонда ҳаж амалларини бажарувчилар учун икки меҳмонхона – бири Макка шаҳрининг Шомил кўчасида, иккинчиси Мадина шаҳрининг Бобил масжид кўчасида жойлашган. Абдулаҳадхон Петербургда масжид қурилишига

хам маблағ ажратган . 1881 йил Россия императори Александр III (1881-1894)нинг тахтга ўтириш маросимига ташриф буюрган бўлажак амир Абдулаҳадхон масжид қуриш учун императордан рухсат сўрайди. Аммо баъзи сабабларга кўра бу таклиф жавобсиз қолади. Орадан 13 йил ўтиб Николай II Санкт-Петербургдан масжид қуришга ер ажратади .

Бу масжид бутун Европада илк бор қурилган энг катта масжид бўлиб, бир вақтда унда беш мингга яқин мусулмонлар намоз ўқиши мумкин бўлган. Мирзо Салимбек ўз асарида “Санкт-Петербургда бундай баланд масжид ҳеч бир подшоҳ даврида бўлмаган” деб ёзган эди . Масжид биносининг узунлиги 45 метр, эни эса 32 метр, бош гумбазининг баландлиги 39 метрни ташкил этади. Масжид олдида 48 метрлик иккита гўзал минора қад ростлаган. Қўмита масжид қуриш учун 750000 сўм пул йиғиш, ер сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда расман фаолият бошлайди. Ерни Бухоро амири Саид Абдулаҳадхон 312000 сўмга сотиб олиб масжид қуриш учун назр этади. Дастлаб амир Абдулаҳадхон тасарруфи остида Жомеъ масжиди биноси лойиҳаси учун танлов эълон қилинади . Танлов шартларини Охун Боязитов ишлаб чиқади. Россия меъморлари жамияти томонидан махсус танлов комиссияси тузилади. Унга академик меъморлардан А.Н.Померанцев, Л.Н.Бенуа, А.И.фон Геген, меъморлардан Ф.И.Лидвала ва А.И.Дмитриевлар киради. Танловга йирик мутахассис, рассом ва меъморлардан 45 та лойиҳа тушади. Лойиҳалар танлови 1908 йил мартда якунланади. Биринчи ўринни петербурглик меъморлардан Н.В.Васильев, М.С.Лялевич, М.М.Перетяковичлар эгаллайди .

Улар тақдим этган лойиҳалар Самарқанддаги мусулмон меъморчилигининг ўрта асрлардаги ёдгорликларидан «Гўри Амир», «Шоҳи Зинда»лардаги ўзига хослик усулларини акс эттирилганлиги учун ҳам эътироф қозонади. Амирнинг Ялтадаги саройи Қора денгиздан икки чақирим узоқликдаги баланд тепалик устида уч қаватли қилиб солинган. Сарой лойиҳаси меъмор Н. Тарасовга тегишли. Саройни барпо этишда бухоролик усталар ҳам қатнашган. Шимолий Кавказнинг Железноводск шаҳридаги амир саройи 1907-1912 йилларда барпо этилган. Қурилиши Абдулаҳадхон даврида бошланган ва вафотидан сўнг тугалланган. Асосий кириш дарвозасининг ўнг томонига шеърлар ҳайкаллари ўрнатилган. Саройни безаш мақсадида бухоролик ва хивалик усталар олиб келинган. Бухоро амири Абдулаҳадхон умрининг охириги даврларида қурдирган Петербург шаҳридаги саройи ҳам ҳозирги кунгача сақланган. Сарой қурилишига 1910 йилда ер ажратилган ва қурилиш ишлари 1913-1914 йилларда тугалланган. Бино амирнинг валиаҳди Саид Олимхонга бағишлаб барпо этилган. Сарой меъмор Степан Кричинский лойиҳаси асосида амбир услубида қурилган. Кричинский Олимхоннинг васиятини бажариб, масжидга хоҳлаган вақтда бориши учун уйдан масжидга бир километрдан ортиқроқ ер ости йўлаги қурдиргани ҳақида афсоналар бор .

Бухоро амири Абдулаҳадхон Петербург сафаридан қайтгандан сўнг рус подшоси Николай II ни Бухорога таклиф этишни ният қилади. Ана шу мақсадда Когон (Янги Бухоро)да император хонадонига мос келадиган уч қаватдан иборат муҳташам европача бино барпо этилади. Бинонинг бунёд этилиши 1895 йилдан бошланиб 1903 йилда тугалланади. 1905 йилги рус инқилоби сабаб Николай подшонинг Туркистонга сафари амалга ошмай қолади. Лекин императорнинг тоғаси Константин саройда

меҳмон бўлган. Дастлабки режа бўйича, сарой шаҳар ичида қурилиши керак эди. Аммо Бухоро уламолари шаҳарга ғайридинларнинг киришига норозилик билдиргани боис, саройни Бухородан 12 километр узоқликда, ўша вақтда Янги Бухоро, кейинчалик эса Когон деб атала бошлаган манзилда қуришга қарор қилинади. Сарой лойиҳаси ўз даврининг кўзга кўринган архитекторларидан бири Алексей Леонтевич Бенуа томонидан икки йил давомида тайёрланган. Қурилиш ишларига муҳандис Дубровин раҳбарлик қилган. Қурилиш ишларига маҳаллий усталар билан бирга Россия, Болтиқбўйидан келган мутахассислар ҳам жалб этилган. Сарой узунлиги 65, кенглиги эса 34 метр бўлган тўртбурчак шаклдаги майдонда қурилган. Унинг пойдеворини кавлашнинг ўзига бир йил вақт сарфланиб, қазиб олинган қум араваларда олиб чиқилган. Саройнинг биринчи қаватида 17 та хона бўлиб, улар орасида тўртта ётоқхона, йирик кутубхона (бу ҳозир ҳам кутубхона сифатида фаолият юритмоқда), ғарб услубида қурилган ошхона, қабул заллари, шунингдек, балл зали ва маэстро хонаси ҳам бўлган. Айнан балл зали — узунлиги 17 метрга чўзилган бўлма — саройнинг энг маҳобатли хонаси ҳисобланади. тарихий иншоот 1947 йилдан бошлаб Темирийўлчилар маданият саройига айланган. 2009 йили Маданий мерос объектлари рўйхатига киритилган. Амир Абдулаҳадхон даврида Карманани ободонлаштириш, янги боғ-роғлар барпо этишга алоҳида эътибор берилган. Айнан манғит амирлари даврида Карманада ўзига хос меъморчилик услубига эга муҳташам саройлар бунёд этилди. Кармана амир қароргоҳига айланди. Мавжуд боғлар ва саройларни қайтадан таъмирлаб, кўркам ҳудудларга айланиши билан бирга янги сарой ва боғлар – Жарчорбоғ, Мирзачорбоғ, Аскаробод, Боғиолчин, Хайробод, Гулчорбоғ каби гўзал ва кўркам жойлар бунёд этилган. Бу ҳудудлар тўғрисида тарихий манбалар, хотира ва маълумотлар сақланиб қолган. Муҳаммад Али Балжувоний “Тарихи нофеий” асарида қуйидагича қайд этган: “Амирларнинг зоҳирий ҳашамати, аввало, унинг маълум ва муайян пойтахтида кўтарилган. Бу шаҳри муаззама ва муҳаррама Бухородир. Аммо баъзи тобе вилоятларда ҳам муайян мақомлари мавжуд бўлган. Уни ҳам пойтахти ва истироҳат жойи деб аташ мумкин. Бу бирор чорбоғ ёки қаср амирнинг саёҳат вақтида тўхталадиган жойи бўлган. Манғития амирлари даврида Бухоро давлатида Карманадаги Чорбоғи Мирзо ва Чорбоғи Чармгарий ҳамда Чорбоғи Олчин ва пойтахт амирларининг дам оладиган жойи сифатида маълум бўлган. Подшо ҳар йили бу ерларга дам олиш учун аёнлари билан келган. Яна Қарши, Шаҳрисабз ва Бухоро туманларида ҳам хос жойлар бисёрдир. Ҳар хил чорбоғлар ва ясатилган қасрлар бошқа жойларда ҳам бор”.

Амир Абдулаҳадхон топшириғи билан Зарафшон дарёсининг соҳилида 1900-1905 йилларда Мирзо Чорбоғ саройи қурилган. Саройни барпо этиш ишларига уста Ширин Муродов бош-қош бўлган. Қурилиш ишларида карманалик усталардан Нажжор Тўра, Уста Дўст, Уста Султон қори, Уста Латифлар қатнашган. Сарой мураккаб меъморчилик услубида ишланган бўлиб, лойиҳаси амирнинг машхур архитектори Хўжа Абдурахим томонидан тайёрланган.

Сарой асосан ғишт ва ёғочдан чўпкори услубида бунёд этилган. Қурилиши жиҳатидан икки қисмга бўлинган. Биринчи қисмида ҳажми 6х20 м, баландлиги 11 метр бўлган бино бўлиб, у икки хонали даҳлиз ва 15 болорли меҳмонхонадан ташкил топган. Даҳлизнинг юқорисида болохона бўлган. Ҳар икки хонанинг ичкари қисми наққошлик

ва ўймакорлик безаклари билан безатилган. Меҳмонхонанинг тўрида катта ёйсимон меҳроб ҳамда унинг икки тарафида равоқлар қурилган. Хонанинг жанубий ва шимолий деворлари тепа қисмларига ҳам тўрттадан равоқлар мавжуд. Бинонинг саккизта деразаси Европа услубида бўлиб, уларнинг тепа қисми қасқонсимон шаклда ишланган. Бинога икки эшик орқали шимолий тарафдан даҳлизга кирилган. Эшиклар ўймакорлик намуналари билан безатилган. Меҳмонхонанинг ғарбий томонида ўн хонали яна бир бино бор. Архитектура жиҳатдан у бироз содда кўринишга эга. Бино пойдевори 25 қатор 28x28x4 ўлчамли пишиқ ғиштдан 1 м қилиб тикланган. 26-қаторидаги ғиштлар зилзилага бардошлилиги ҳисобга олиниб, тик ҳолатда терилган. Синч ва заваравлар кўпбурчакли шаклда қўйилган, ховалари кўздан яширилган. Бино хоналарининг ички қисми шарқона услубда безатилган. Ҳовли юзасидаги супа четида 9–12 метрли қудуқ бўлган, у кейинчалик кўмиб юборилган.

Л.И.Ремпелнинг “Далёкое и близкое: страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи” китобида сарой қурилиши тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд: “Уста Ширин сарбоз сифатида олиб келиниб, саройлар тиклашга сафарбар этилди. У Карманада 15 йил давомида “Асқаробод, Чармгар чорбоғ, Гул чорбоғ, Боғиолчин, Жар чорбоғ, Мирзо чорбоғ, Салим Султон ва бошқа саройларни қуриш ва безаш ишларида ишлади. Айниқса, Мирзо чорбоғни қуришда кўп қийналди. Қаҳратон қишда, қўллари лой билан музлайдиган даврда бу бинони тиклади, ҳатто бир умрга бармоқларини совуққа олдирди.

Абдулаҳадхон Карманада яшаган вақтларда ўзининг Чармгарчорбоғдаги саройида шеърый кечалар ўтказиб, унга маҳаллий шоирлар ва шеъроятга қизиқувчи кўплаб олим-у фузалоларни таклиф қилган. Бу каби мушоираларда Фирдавсий, Рудакий, Бедил, Алишер Навоий, Ҳофиз ва бошқа шарқ адабиётининг вакиллари асарларидан намуналар ўқилган. Амирликнинг Оренбургда жойлашган ваколатхонаси ҳам Бухоро ҳисобида бўлган. Бундан ташқари, Абдулаҳадхон Ҳайдарободда сарой, Боғчасарой, Кисловодскда замонавий бинолар, шунингдек, Миср, Сурия, Ироқ каби ўлкаларда мусулмонлар учун турли меъморий обидалар барпо этган.

Хуллас, Амир Абдулаҳадхон ҳукмронлик давларида нафақат ўз мамлакатада балки Россия империяси ва Усмонли турклар каби йирик давлатлар ҳудудида ҳам бир қатор қурилиш ишларига бошчилик ва ҳомийлик қилган. Бухоро амири узоқ йиллар давомида Ялта шаҳри аҳолиси учун сахийлик рамзи бўлиб келган. Амирнинг фуқаролар учун қилган ишлари юқори баҳоланиб, юксак ҳурмат кўрсатилган. Ҳатто Ялтадаги кўчалардан бири Абдулаҳадхон номи билан аталган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амир Абдулаҳад. Петербург сафари кундалиги. (форс тилидан С. Ғуломов таржимаси). Т., 2024
2. Исмоилбек Ғаспрати. Туркистон саёҳатлари.// Жаҳон адабиёти, № 10, 2010,
3. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий. Т.: “Академия”, 2001
4. Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттаахирин. Бухоро 2003.
5. Мирзо Салимбек. Тарих-и Салими. Т., 2009
6. М.Ҳамраев. Харобага айланган сарой: Мирзо Чорбоғ // “Замонавий дунёда илм-фан ва технология” номли илмий амалий конференция

7. О.Хаитова, Х. Курбонов. Кармана тарихи Т., 2018
8. Қ.Ражабов. Амир Абдулаҳадхон ёҳуд “оғиз” ҳукмдор // Бухоро мавжлари, № 2, 2007.
9. Қ.Ражабов. Туркистон тарихида ўтган 55 буюк сиймо. Т., 2022
10. Қ.Ражабов. Ўзбекистон XX асрда. Биринчи жилд. Т., 2024
11. Р.Холиқова Россия ва Бухоро: тарих чорраҳасида. Т., 2005
12. С.Иноятов, Ҳ.Тўраев, О.Ҳайитова. Амир Абдулаҳадхон даврида Кармана. Т., 2004
13. Ш.Ҳайитов, Б.Ризаев. Амир Абдулаҳадхоннинг Россия империясида қурдирган иншоотлари.// Педагогик маҳорат. 2017-йил №1
14. Ш.Ўлжаева. Бухоро амира Саййид Абдулаҳадхоннинг Санкт-Петербургда қурдирган масжиди // Фарғона ҳақиқати. 2022-йил 18-октябр № 85
15. Ш.Бобожонов. Амир Абдулаҳадхоннинг Янги Бухородаги резиденцияси // Бухоронома, № 16. 2023-йил 28-феврал.
16. З.Ҳамидова. Бухоро амирларининг хориждаги бунёдкорлиги.// Маданият, №1, 2020.
17. Ҳ.Тўраев. Бухоронинг еттинчи ҳукмдори // Бухоронома. 2002-йил 30-ноябр
18. А.Ҳотамов, Ш.Ҳалилов. Ёиллар садоси. Тошкент: Адолат, 1995
19. С.В.Боглачёв. Летний дворец эмира Бухарского // Архитектура старого Железноводска. Пятигорск: Снег, 2010
20. И. Загидуллин. Исламские институты в Российской империи. Мусульманская община в Санкт-Петербурге XVIII — начало XX вв.
21. Конкурс на составление эскизного проекта здания соборной мечети в . г. С.-Петербург // Журнал Зодчий. 1907 (№ 45)
22. Ю. А. Мазинг. Ленинградская квартира. //Альманах «Пространство и Время» 2014.
- 23.
24. Местные известия. Богодельная его высочества Эмира. Туркестанские ведомости. №9. 1897 г 2-февраль
25. Л.И.Ремпель Далёкое и близкое: страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи. Т., 1981 й